




Гулнора ХУДОЙБЕРГАНОВА,
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси
ўқитувчиси*

I – IV АСРЛАРДА ХРИСТИАНЛИКДА АСКЕТИК ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

XX аср охири ва XXI аср бошлари Ғарб диншунослигида христианликнинг дастлабки даври аскетик илоҳиёт ривождаги ролини қайта баҳолаш ва дастлабки уч аср аскетизмини ўрганишга бўлган қизиқишнинг сезиларли даражада ортиши билан белгиланади. Бу ҳолат асосан 1980 йиллардаги аскетизм моҳиятини аниқлашга янгича ёндашув ва тадқиқот методологиясининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида христианлик аскетизмини ўрганишга бағишланган бир қатор тўплам ҳамда монографиялар нашр этилди¹.

Аскетик ҳолатни ўрганиш мавзусига антик давр файласуфларининг деярли барчаси мурожаат қилган. Ушбу даврдаёқ аскетизм атамаси уч хил маънода қўлланилган: жисмоний (жисмоний машқлар), маънавий (ақл ва ирода машқлари) ва диний (қалбни ёмон майл ва эҳтирослардан халос этиш).

¹ Мисол учун: Asceticism and exegesis in early christianity / ed. by hans-ulrich Weidemann. Göttingen, 2013; Asceticism and the new Testament / ed. by Leif e. Vaage, Vincent L. Wimbush. n. y.; L.: routledge, 1999; Asceticism / V.L. Wimbush & r. Valantasis, eds. n. y.: oxford univ. Press, 1998; Harpham G. The ascetic imperative in culture and criticism. chicago: university of chicao Press, 1992, и др.

Илк христианлик аскетизми мавзуси XX асрнинг биринчи ярмида нафақат Россияда балки Европада ҳам тадқиқотлар доирасидан четда бўлмаган. Замоनावий тадқиқотчиларнинг хизмати ўлароқ дастлабки уч асрда христианлик аскетик анъаналари алоҳида тадқиқот предметиға айланди².

Тадқиқотчилар орасида христианликда аскетизм тарихини IV асрдан, яъни христианликда роҳибликнинг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши кузатилган даврдан бошланганлиги ҳақидаги фикрни илгари сурувчилар билан бирга аввалги уч асрни христиан аскетик илоҳиётига тайёргарлик босқичини ўтаган давр сифатида изоҳловчилар ҳам мавжуд.

XIX-XX асрларда бу мавзуда бир қанча шарқшунос-мутахассислар томонидан тадқиқотлар амалға оширилган: М.Мюллер, А.Уотс, Т.Нёльдеке, Г.Бюлер, Г.Ольденбер, В.П.Васильев, В.М.Алексеев, В.А.Кожевников. Бу мавзу бўйича замоनावий тадқиқотчилар орасида В.А.Кожевников, Е.Торчинов, М.Элиаде, Д.Т.Судзукиларни кўрсатиш мумкин.

² П.А.Корпачев. Аскетическая традиция в христианстве до появления монашества. Научнотехнические ведомости СПбГПУ, 2017. С-126.

Замонавий тадқиқотларда аскетизмни аниқлашнинг энг кенг тарқалган ёндашуви Р.Валантасис томонидан таклиф қилинган фаолият ёндашуви ҳисобланади: аскетизм – “мавжуд ижтимоий муҳит доирасида янги субъективликни, бошқа ижтимоий муносабатларни ва муқобил рамзий коинотни очишга қаратилган фаолиятдир”³.

Замонавий диншуносликда аскетизм мавзуси комплекс жиҳатдан тадқиқ этилиши кузатилади. Баъзи тадқиқотчилар томонидан илк христианликда аскетик қарашлар ривожига яҳудийлик, юнон, рим, ҳаттоки монийлик таълимотлари манбалари таъсири кўрсатганлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилади.

Сўнгги уч ўн йилликда илк христианлик аскетизмини, шу жумладан, бир қанча монографияларни ўрганиш бўйича айрим саволларга бағишланган ишларнинг талайгинаси дунё юзини кўрганига қарамасдан, диншуносликда ҳалигача ўзининг шаклланишида ва феномен ривожига бир қадар мустақил бўлган I аср аскетик қарашларининг тизимли баёни ва комплекс таҳлилий уринишлари бошланмаган. Антик аскетизмда унинг келиб чиқишидаги диний, ижтимоий ва фалсафий контекстнинг ўрни, шунингдек I ва IV асрлар аскетик илоҳиёти ўртасидаги изчилликнинг мавжудлиги илк христианлик зоҳидлиги тадқиқотларининг ҳал қилувчи саволлари бўлиб қолмоқда. Ушбу мақолада христианликнинг муқаддас манбаси “Инжил”да келтирилган матнлар асосида аскетик таълимотни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш орқали бу саволларнинг бартараф этилишига йўл топишга уриниб кўрамыз.

Маълумки, христианлик яҳудийлик муҳитида юзага келган. Бу эса христианликнинг яҳудийликдан кўп жиҳатдан таъсирланишига сабаб бўлди. Христианликнинг асосий ғояси – Исо одамзоднинг ҳалоскори “мессия” экани

яҳудийликда мавжуд бўлиб, охирзамонга яқин қолганда қайтиб келиши кутилаётган ҳалоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққан.

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил – одам ва худо моҳияти ҳақида “гуноҳни ювиш”, яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота-Худо, Ўғил-Худо ва Муқаддас Рух – Уч қиёфали Худо (Троица – Trinity) тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христианлик динида ҳаётнинг асосий мақсади Худони ва ўзгаларни севишдир: “Исо унга деди: “эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, бутун жонингиз билан ва бутун онгингиз билан севинг, бу биринчи ва энг буюк амр, иккинчиси унга ўхшайди: ўзгани ўзинг каби сев” (Матто 22: 37-40).

Христианлик аскетизмининг илк асослари ҳаворийлар асри муаллифларининг хабарларида, хусусан, ҳаворийлар Павел, Петр ва Иаков хабарларида учрайди.

Жумладан, Янги Аҳд (Инжил)да осканин(юн.ὁσκέιν) сўзи феъл сифатида (ҳав. 24:16) фақатгина бир марта, матнларда эса унинг синонимлари: ὑμνάζειν (машқ қилмоқ), ἀγωνίζεσθαι (курашмоқ), ἐπαγωνίζεσθαι (курашга қайта кириш), ἀθλεῖν (курашмоқ, рақобатлашмоқ) сифатида тез-тез учрайди⁴. Инжил матнларидаги бизгача етиб келган хабарларга таянган ҳолда ва Исо Масихнинг сўзларини етказган ҳаворий Павелга кўра, ҳаворийлар асрида аскетизмда Исо Масихга тақлид қилиш ва эргашиш, яъни унинг тақдирини ва азобларини баҳам кўришга тайёрликни англатувчи кайфият устунлик қилганини кўриш мумкин.

Жумладан, “кимда-ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб

³ П.А.Корпачев. Аскетическая традиция в христианстве до появления монашества. Научнотехнические ведомости СПбГПУ, 2017. С-127.

⁴ П.А.Корпачев. Аскетическая традиция в христианстве до появления монашества. Научнотехнические ведомости СПбГПУ, 2017. С-126.

орқамдан юрсин” (*Марк. 8: 34*), “ким Мен ва Инжил учун жонини берса, жонини қутқаради” (*Марк. 8: 35*).

Айнан шундай чақириқ Луко Инжилида ҳам келтирилади: “Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб⁵, ортимдан юрсин” (*Луқо. 9:23-24*).

Ҳаворий Павлуснинг Эфесликларга мактубида таълимотнинг асосий мақсади нафақат хочга михланган нажоткорга эргашиш, балки биринчи навбатда инсоннинг “эски ўзлигини бир четга олиб қўйиш; яъни илгариги турмушига оид, алдовчи эҳтирослар билан бузилиб бораётган эски, ёмон табиатини соқит қилиш” (*еф. 4:22*), деб изоҳланади.

Шунингдек, Римликларга йўлланган мактубда куйидаги чақириқларни учратиш мумкин:

“...табиатимиз амри билан яшаш учун биз бу табиат талаблари олдида мажбур эмасмиз. Агар ўз табиатингизга маҳлиё бўлиб яшасангиз, *руҳан* ўлишингиз муқаррар. Лекин агар башарий табиатнинг қилмишларини Рух кучи билан ўлдирсангиз, руҳан яшайсизлар” (*Рим. 8: 12-13*). Бундай ҳаёт тарзининг асосий хусусияти “яхши ишда доимийлик” (*Рим. 2:7-8*), “танадаги сезгиларни руҳ билан ўлдириш” (*Рим. 8:13*) ва “гуноҳ учун ўлим” (*Гал. 2:19-20*) – аввалги ҳаёт тарзидан қайта тирилган, гуноҳкор истаклардан покланган, “энди мен яшамайман, лекин менда Масих яшайди” (*Гал. 2:20*) тушунчасини қабул қилган инсоннинг ҳолатидир.

Илк христианликда инсоннинг гуноҳкорлиги ва гуноҳ учун ўлиш кераклиги ҳақидаги мактублар матнида топилган кескин ҳукмларга қарамасдан, ҳаворий Павел баъзан ҳатто аскетизм учун ортиқча ғайрат қилишга қарши огоҳлантирган: ёш беваларни турмуш қуриш ва фарзанд кўришини маслаҳат берган

⁵ Ўз хочини кўтариш: Исо Масих каби ўз нафсидан кечиб, Худо йўлига ўзини бутунлай бағишлаб, имон туфайли келадиган қулфатлардан бош тортмаслик маъносида.

(1 Тим. 5: 14), ўзининг шогирди Тимофейни қашшоқларча таомланишини тарк этишга (1 Тим. 5: 23) ва бошпанасиз ҳолда юравермасдан, балки Эфесда қолишга чақирган (1 Тим. 1: 3).

Аскетизмдан мақсад христианларнинг ўзаро нажотидир (1 Кор. 10:33), ҳар бир ҳаракат қилувчи унга нисбатан аъзо ҳисобланган жамоатнинг умумий танасидир (Сол. 1: 24).

Инсон эришмаган ҳеч нарсага эга эмас, шунга кўра, мақтанишга ва гердаишга ҳақли эмас, фақатгина дунёдан инсонни ажратадиган хоҳиш билангина мақтаниш мумкин.

Ҳаворийлар учун Исога эргашиш - устоз ҳаракатига тақлид қилишни, шунингдек, биринчи навбатда тақдирнинг билим ва машаққатларини тақсимлашга тайёрликни англатган.

Бундан ташқари, II ва III асрларда христиан илоҳиётчиларининг энг катта эътиборини жалб қилган бокиралик ва шаҳидлик мақомларини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

III асрда зоҳидликнинг ўзига хос ва янги кўринишларидан бири сифатида бокиралик идеали шаклланди. Унинг назарий асослари ҳаворий Павелнинг I корфагенликларга йўллаган мактубида ифодаланган. (*I кор. 7*) Ҳаворий Павел: “Бўйдоқ Худо ҳақида қайғуради, оилали эса дунё ҳақида” мазмунидаги қарашларини илгари суриб, христианларнинг беташвиш бўлишларини истагини айтади. Бойликка ўчлик Павел томонидан барча ёвузликларнинг илдизи сифатида қаралади. Ҳаворий Иаков ер бойликларини қуёш жазирамасида сочиладиган ўсимликларга қиёслади⁶.

Шунингдек, IV асрда аскетизмнинг энг обрўли шакли сифатида шаҳидлик мақоми кенг ёйилди⁷.

Фақатгина IV асрга келиб христианлик бошқа динлар билан тенг мақомни қўлга

⁶ П.А.Корпачев. Аскетизм в христианстве I века. Вестник Челябинского государственного университета, 2016. С-29.

⁷ П.А.Корпачев. Аскетическая традиция в христианстве до появления монашества. Научнотехнические ведомости СПбГПУ, 2017. С-129.

киритгандан сўнггина ва кейинчалик эса давлат дини сифатида тан олинishi ҳамда таъкибларнинг тугатилиши христианлар орасида зоҳидлар сонининг ортиши, дунёдан воз кечишлик, диққатни илоҳийликка йўналтириш учун туртки бўлди.

Умуман олганда, дастлабки асрларнинг аскетик таълимини тўлиқ тизими деб аташ мумкин эмас. Зеро, бир неча асрлар давомида, аскетларнинг кўпчилиги жамиятдан ажралмади ва бу биринчи уч аср аскетизмининг кейинги даврлар анъаналари ўртасидаги муҳим фарқларидан бири ҳисобланади⁸.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, аскетик илоҳиётнинг тармокли ва турли хил анъаналарини тизимлаштиришга урилиб кўриб ва бир неча марта соддалаштириб бундай бўлимларни 3 га ажратиш мумкин: нафснинг аскетик таҳлили, насроний мукаммаллик назарияси, аскетик буйруқ, таъкиқ ва қабулни қайта ишлаш.

Нафснинг аскетик таҳлили инсон ахлоқий камолотига илоҳий йўл билан боғланиш бўлиб, бунда инсоннинг ички ва ташқи оламидаги муайян ҳолатлар, яъни, покланиш, иффат, моддий ашёлардан тийилишга ҳаракат қилиш талаб қилинган.

Насроний мукаммаллик назариясига инсоннинг иродасини бошқарувчи тушунча сифатида қаралган. Христиан аскетизмининг асосий тамойили инсоннинг руҳияти ва Худонинг амрларни бажариш йўлидаги ҳаракати, яъни илоҳий ва инсоний синергизм (ҳамкорлик, мувофиқлаштириш)да ётади.

Христианлик таълимотига кўра, инсоннинг хоҳиш ва иродасининг ўзи комилликка олиб келмайди. Бунда инсоннинг тана ва руҳий ғайрати ўзаро боғлиқ бўлишини таъкидлаган ҳолда, фақат илоҳий иноят инсон табиатини кутқариши, ўзгартириши, шифолаши ва янгилаши мумкин, деб ҳисобланади.

Мукаммаллик инсоннинг яратилган табиатида мавжуд эмас ва шунинг учун бу табиатнинг ўз-ўзидан олинган имкониятларини чеклаб қўйиш орқали комилликка эришиш мумкин эмас. Комиллик фақат Худонинг ўзида, Муқаддас руҳнинг инъомида, деб ҳисобланади. Шунинг учун аскетизм бу бир восита, фақат Худонинг инъомини олиш йўлидаги эркинлик ва ақлнинг намоён бўлишидир.

Христианлик нуқтаи назаридан, ёмонлик иродани нотўғри мақсадга йўналтиришда ёки инсондаги ҳақиқатга эришиш йўлидаги ирода ва истакнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Шунинг учун, инсоннинг хоҳиш-истакларини йўқ қилиш эмас, балки уларни тарбиялаш муҳим саналади.

Бугунги кунда аскетизм ҳодисасини нафақат дин феноменига, балки маданий ривожланишнинг турли даражаларига ва жаҳон динлари таълимотларининг мантиқий бўлимлари доирасида - жамият маънавий ҳаётининг бошқа ижтимоий-маданий ҳодисаларига, масалан, сиёсат билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурати мавжуд. Аскетик қарашларнинг маданий тараққиётнинг турли даражаларида диний онгнинг ўрнини ҳолисона баҳолаш учун ахборот, ижтимоий ва албатта, маданий характердаги тадқиқотларни олиб бориш лозим.

⁸ П.А.Корпачев. Аскетизм в христианстве I века. Вестник Челябинского государственного университета, 2016. С-30